

## А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2025 йил 8 июль куни жиноят ишлари бўйича Сирдарё туман суди, Сирдарё тумани Бахт шаҳар Хазина маҳалла фуқаролар йиғини биносида, очик сайёр суд мажлисида бўлиб,

Раислик қилувчи Б.Қораев,

судья ёрдамчиси К.Абдурахмановнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Сирдарё туман прокурорининг катта ёрдамчиси З.Ильясов, жабрланувчи Т ва гумон қилинувчи Хнинг иштирокида,

Х (Х) – 2003 йил 11 декабрь куни Сирдарё туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, бўйдоқ, муқаддам судланмаган, вақтинча ишсиз,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан гумон қилинувчига оид 1-1208-2501/155-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И :

Дастлабки тергов органи ҳужжатларига кўра, Х 2025 йил 3 май куни соат 11:32 ларда, Сирдарё тумани, Бахт шаҳри, Бахт бозори ёнида жойлашган авто тураргоҳда ўзининг бошқарувида бўлган Нексия-1 русумли 20К778АА давлат белгили автомашинани амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 63-банди 1-қисми “транспорт воситасини орқага ҳаракатлантиришда ҳайдовчи йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаши ва йўл ҳаракатининг бошқа қатнашчиларига ҳалақит бермаслиги шарт. Зарурият туғилганда ҳайдовчи бошқа шахсларнинг ёрдамидан фойдаланиши керак”лиги ҳақидаги талабларига зид равишда ҳаракатланиб, автомашинасини орқа томонга қараб ҳаракатлантирган вақтида, бозор дарвозасидан чиқиб келган пиёда Тни уриб юборган.

Натижада Т олган тан жароҳатлари билан туман Тиббиёт бирлашмасига мурожаат қилган.

2025 йил 05 май кунидаги судга оид тиббиёт экспертизасининг №270-сонли хулосасига кўра; фуқаро Тнинг ўнг қўл билан суяқларини типик жойидан очик синиб сурилиши, ўнг кўз пастки қовоғи қонталаши каби тан-жароҳатлар ўтмас қаттиқ жисм таъсиридан, яъни қарорда, тиббий маълумотномада ва шаҳодатланувчи ўзи кўрсатма берган ҳолатда авто йўл транспорт ҳодисаси натижасида автомашина ташқи қисмлари билан уриб юбориш натижасида 2025 йил 03 май куни етказилган бўлиши мумкин, ушбу тан-жароҳатлар уч ҳафтадан кўп муддатга соғлиқнинг бузилишига олиб келади, тан-жароҳатларнинг оғирлик даражасини баҳолаш мезонига кўра “ўртача оғир” деб баҳоланиши кўрсатиб ўтилган.

Судга оид автотехника экспертизасининг 29.05.2025 йилдаги №305-сонли экспертиза хулосасида “Нексия-1” русумли 20К778АА давлат белгили



автомашина ҳайдовчиси Х.Нематжонов транспорт воситасини орқага ҳаракатлантиришида ҳайдовчи йўл ҳаракати хафсизлигини таъминлаши ва йўл ҳаракатининг бошқа қатнашчиларига ҳалақит бермаслиги шартлиги, зарурат туғилганда ҳайдовчи бошқа шахсларнинг ёрдамидан фойдаланиши кераклиги кўрсатиб ўтилган бўлиб, “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 63-банди 1-қисми талабларига зид бўлганлиги аниқланган.

Х ўзининг бу ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган.

Дастлабки тергов жараёнида гумон қилинувчи Х ва жабрланувчи Т аризалар билан муурожаат қилишиб, жиноят ишини ярашганликлари муносабати билан тугатишни сўрашган.

Сирдарё тумани ИИБ ҳузуридаги ТБ терговчиси Ж.Сайфуллаевнинг 2025 йил 24 июндаги қарорига кўра, гумон қилинувчи Хга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш масаласини ҳал қилиш учун судга юборилган.

Гумон қилинувчи Х суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига тўлиқ иқроор эканлиги, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчига етказилган зарарларни тўлиқ қоплаб берганлиги, ҳозирда жабрланувчи билан бирон-бир тазйиқсиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчи Т суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, Хга нисбатан ҳеч қандай даъво-эътирози йўқлиги, етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлигини, унга бирон-бир тазйиқ бўлмаганлигини, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасида ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқроор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Суд, гумон қилинувчи Х ва жабрланувчи Тнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, Сирдарё туман прокурорининг катта ёрдамчиси З.Ильясовнинг, гумон қилинувчи Хга нисбатан бўлган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрини эшитиб, гумон қилинувчи Хни айбига иқроорлиги ва етказилган зарарни тўлиқ бартараф этганлиги, муқаддам судланмаганлиги, жабрланувчига бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув жабрланувчи ва гумон қилинувчининг хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инобатга олиб, Хга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни;



-жабрланувчи Тга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг у, мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни;

-жиноят ишига қўшилган 2 дона DVD дискларни жиноят иши ҳужжатлари билан биргаликда сақлашни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

### **А Ж Р И М Қ И Л Д И :**

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан гумон қилинувчи Хга нисбатан бўлган жиноят иши ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига асосан ярашганлиги муносабати билан тугатилсин.

Жабрланувчи Тга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг унинг, мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.

Жиноят ишига қўшилган 2 (икки) дона DVD дисклар жиноят иши ҳужжатлари билан биргаликда сақлансин.

Ажримдан норози томонлар - гумон қилинувчи, жабрланувчи ажрим нусхасини олган кундан, прокурор ажрим эълон қилинган кундан бошлаб ўн сутка ичида апелляция тартибида ёки ажрим қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида шу суд орқали Сирдарё вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига хусусий шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.

**Раислик қилувчи:**

**Б.Қораев**

